



2017 йил «6» июн

№ 608-У

**2017 манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган савдо дукони биносини
қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ билан келишилган №1141/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 26 майдаги №1244-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тоирова Ойгулой томонидан Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.003 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тоирова Ойгулойга Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.003 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Тоирова Ойгулойга кўйидаги вазифалар юклатилсин:
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ
(архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.
-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш нazorат
инспекциясидан қурилишни амалга оширишга руҳсат олиб, қурилиш ишларини уч
йил муддат ичида тугатиш:
-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик
ишларини олиб бориш:
-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга руҳсат бериш учун
туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Тоирова Ойгулой томонидан
тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини
назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг
вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва
қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри”
бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Тоирова Ойгулой томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш
лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини
йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг
ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров